



Tadqiqot **UZ**



**ЎЗБЕКИСТОН  
ОЛИМЛАРИ ВА  
ЁШЛАРИНИНГ  
ИННОВАЦИОН  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАРИ  
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**2021**

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



**31 AUGUST  
№31**

**CONFERENCES.UZ**

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 31-КЎП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ  
7-ҚИСМ**

---

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ  
31-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ  
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"  
ЧАСТЬ-7**

---

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN  
31-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE  
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
RESEARCH IN UZBEKISTAN"  
PART-7**

**ТОШКЕНТ-2021**



**УУК 001 (062)**

**КБК 72я43**

## **"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар"** мавзусидаги республика 31-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 август 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 26 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

### **1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

### **2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

### **3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

### **4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

### **5. Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шохидат Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

### **6. Журналистика**

Тошбоева Барноҳон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

### **7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



### **8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

### **9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни**

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

### **10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

### **11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

### **12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

### **13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

### **14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

### **15.Муסיқа ва ҳаёт**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

### **16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

### **17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

### **18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

### **19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

### **20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

### **21.Кимё фанлари ютуқлари**

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



## **22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

## **23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

## **24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

## **25. География**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

---

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва ақтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР**

<b>1. Ш.Мамадаюпова</b> ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИКДА ИҚТИСОДИЙ ДИСКУРС ДОЛЗАРБ ХУСУСИЯТЛАРИ .....	7
<b>2. Suyunova Nasiba Bo`riqul qizi</b> BEHAVIORALINGUISTIC FEATURES OF ADOLESCENT SPEECH AND ITS MANIFESTATION IN "ONLINE COMMUNICATION" .....	11
<b>3. Қосимова Мадина Зайнобидиновна</b> ИНГЛИЗ ТИЛИДА БАХТЛИЛИК ВА БАХТСИЗЛИК КОНЦЕПТУАЛ МАЙДОНИНИНГ АНТРОПРОМОРФ ИФОДА ВОСИТАЛАРИ ТАҲЛИЛИ.....	13
<b>4. Malika Khidirova</b> ADVANTAGES OF CASE METHOD IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES .....	19
<b>5. Турсунова Розия Хатамовна</b> ДИФФЕРЕНЦИРОВАННЫЙ ПОДХОД К ОБУЧЕНИЮ РУССКОМУ ЯЗЫКУ КАК ИНОСТРАННОМУ .....	21
<b>6. Нусратиллоева Дилноза Нусратиллоевна</b> ХУРШИД ДАВРОННИНГ КОМПОЗИЦИЯ ТУЗИШДАГИ МАҲОРАТИ .....	23



## ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

### ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИҚДА ИҚТИСОДИЙ ДИСКУРС ДОЛЗАРБ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ш.Мамадаюпова

Тошкент молия институти  
катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Ҳозирги кунга келиб, замонавий тилшунослик соҳасида иқтисодий дискурсга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодий дискурс нафақат мазкур соҳа вакилларига, балки оммага ҳам тушунарли бўлиши керак деган фикр-мулоҳазалар юритилмоқда. Мазкур мақоламизда айнан иқтисод соҳасига оид матнларда дискурслар деярли метафораларни қўллаш, ҳамда таржима жараёнида иқтисодий дискурс матнларида метафора тушунчаларини таърифлашдаги муаммолар аниқланган. Келиб чиқадиган турли муаммоларни билан ишлатилиши ҳамда таржима жараёнида турли қийинчиликлар туғдириши мумкинлигини ва замонавий тилшуносликда иқтисодий дискурс метафора тушунчалари ҳақидаги таърифлари аниқланган.

**Калит сўзлар:** метафора, иқтисодий, тилшунослик, дискурс, иқтисодий матн, термин, тушунча

Ҳозирги кунга келиб иқтисодиёт тобора ривожланиб бормоқда. Кўпгина одамлар кичик ва ўрта бизнес (тадбиркорлик) фаолияти билан шуғулланмоқда. Тадбиркорлик ёки иқтисодиёт сўзини ишлатганда кўз олдимизга сотувчи ва харидорлар, тадбиркорлар, товар ва хизматлар, мамлакатлар билан иқтисодий муносабатлар келади. Ушбу муносабатлар оғзаки ёки ёзма нутқ орқали бажарилади. Инсонлар иқтисодий терминлардан, матнлардан, иқтисодий дискурслардан фойдаланадилар.

Шу сабабли ҳозирги кунга келиб тилшунослар иқтисодий дискурсга кўпроқ урғу бермоқдалар. Уни фақатгина иқтисодчиларга эмас, балки барча инсонларга тушунарлироқ бўлиши учун кенгроқ ўрганилмоқда. Иқтисодий дискурс кўпроқ метафоралар билан ишлатилганлиги туфайли таржима қилинганда қийинчиликларга учрайди. Шу сабабли уни бошқа тилга қиёслаган ҳолда ва иқтисодий дискурсга когнитив ёндашув орқали ўрганамиз. Иқтисодий дискурс мавзуси доирасида изланиш олиб борадиган бўлсак, дискурс – лотинча сўз бўлиб, “discursus”, яъни “олдига-орқага югуриш, ҳаракат, суҳбат” деган маъноларни билдиради.

Дискурс – бу мураккаб тушунча бўлиб, XX аср ярмидан бошлаб кўпгина олимлар ўрганишни бошлаганлар. Ҳозирги кунда **дискурс** терминига берилган таърифларда турли-туман фикрларни учратиш мумкин ва ушбу ҳодисанинг ўрганилиши лозим бўлган жиҳатлари кўп.

Н.Д.Арутюнова [Арутюнова,1989:1] дискурс ҳақида қуйидаги фикрларни илгари суради: экстралингвистика, прагматика, маданият, психология ва бошқа факторлар билан боғловчи матн; ҳаётий аспектлардан олинган матн; ижтимоий ҳаракат сифатида баҳоланган мақсадли нутқ, бир-бирига боғлиқ бўлган инсонлар ва улар онгидаги механизм (когнитив жараён) компоненти тариқасида қабул қилинади. Шунингдек “дискурс нутқий фаолиятда Ярцеванинг таъкидлашича уни нафақат нутқимизда балки, уни бутун танамиз билан ҳис этамиз. [Ярцева,1990:2].

Француз философлари Фуко ва Дерридалар ўз тадқиқотлари орқали дискурс терминини машҳур қилган. Мишель Фуко (1926-1984) дискурсни алоҳида соҳа, яъни мустақил, тўлиқ, ўзини-ўзи бошқара оладиган ҳар бир соҳада биринчилардан деб таъкидлаган. В.В.Красных [Красных,2001:3] дискурс тушунчаси кундалик ҳаётда ишлатиладиган



нутқ фаолияти деди. Демак олимларнинг фикрича, дискурс шунчалик ҳаётимизга сингиб кетганки, хаттоки уни билиб билмай уни ёзма нутқдаям ишлатар эканмиз яъни, хужжатларда, хатлар ёзганда. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, дискурс стилистика, матн тилшунослиги, оғзаки нутқни ўрганишда ҳам ёрдам беради. Дискурснинг матндан фарқи у ўз ичига онг тушунчасини олади.

А.А.Кибрик [Кибрик, 1987:4] ва В.А.Плунгян [Плунгян, 2002:5] дискурс тушунчаси матнга қараганда кенгроқ тушунчани аниқлатади, дискурс бир вақтни ўзида тил фаолияти жараёни ва унинг натижаси дейиш мумкин деб таъкидлашди.

Теун ван Дейк [Ван Дейк, 1989:6] дискурс билан матнни бир-биридан чегаралаш мумкин : дискурс тушунчаси бу нутқга, нутқ фаолиятининг долзарблигига тааллуқли, матн эса тил тизими ёки тилшунослик билимлари ваколатига тегишлидир. Бу олимларнинг фикрича матнга нисбатан дискурс нутқимизни янада мазмунлироқ ва маънолироқ қилар экан,

Француз дискурс мактабининг вакили Э.Бенвенист фикри билан дискурс жонли мулоқотда ишлатиладиган тил деб қаралди. У биринчилардан бўлиб дискурс сўзига атама маъносини берди ва сўзловчининг нутқи деб аниқлади. Э.Бенвенист дискурс терминини тилшуносликда ишлатилишига эътибор берган.

М.Фуко: дискурс- бир пайтни ўзида жараён ва натижадир деб таъкидлаган бўлса, В.В.Красных [Красных, 2003:7] дискурснинг иккита режаси бор, яъни тилшунослик ва когнитив тилшунослик деб билган.

Степанов эса “Дискурс- бу тилдаги яна алоҳида тил” таъкидлаган. [Степанов, 1995:8].

Замонавий тилшуносликда дискурс термини тан олинган бўлиб, философия, адабиётшунослик, социология, антропология, этнография ва б.қ. кўпгина илмий бўлимлар томонидан ўрганилишига қарамасдан ягона таъриф берилмаган. Жуда кўп мавжуд тадқиқотларга қарамасдан, дискурс тушунчасининг чегараси йўқ, тилшуносларнинг баъзида фикрлари бир-бирига зид келсада, унга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. “Дискурс “ ўзининг барча маънолари билан когнитив ёндашув сифатида тадқиқотчиларнинг эътибор марказида.

Т.В.Матвеева [Матвеева, 2010:9] ўзининг “Тўлиқ лингвистик атамалар луғатида” дискурсга қуйидагича таъриф берган : “Дискурс - бу лингвистик бўлмаган жараёнлар оқимини бирлаштирувчи, боғловчи нутқдир, бу нутқ ҳаётини бўлиб, матндаги сўзлашувчининг нутқига маданий, прагматик, психологик маънолар беради ” деб таъриф берган.

Когнитив томонлама таъриф берадиган бўлсак, нутқнинг сифатли яратилиши ва тушунарли бўлиши учун дискурс билимларни гуруҳларга бўлади. Мисол учун, Е.С.Кубрякова ва О.В.Александровлар таърифи бўйича : Дискурс- бу когнитив жараён бўлиб, нутқ асари яратилишига тўғридан-тўғри боғлиқ.

Дискурс ва матн тушунчасини қиёслашда, [Кубрякова, 1997:10] Е.С.Кубрякова ва О.В.Александровларнинг фикрига кўра, “нутқни яратиш, ҳақиқий нутқни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган, аниқ когнитив жараён бу- дискурсдир. Нутқнинг тугалланган аниқ шакли, нутқ фаолиятининг тугалланган жараён натижаси бу - матндир. Лекин, дискурссиз матн ҳам мавжуд .

Дискурсни тузилиши жиҳатидан ўрганиладиган бўлсак, икки ёки ундан ортиқ гапларни маъно жиҳатидан боғловчи ва гапларни янада жозибалироқ қилади. Дискурс - бу оддий матн эмас, долзарб бўлган оғзаки нутқ. Дискурсдан жанрларни белгилашда ҳам фойдаланилади : “илмий дискурс”, “бадиий дискурс”, “сиёсий дискурс”. Дискурсни мавзуларга, соҳаларга бўлишимиз мумкин экан. Ҳар битта дискурс бу алоҳида бир дунё : бизнинг ҳолатимизда бу иқтисодий ҳодисалар ва тадбирлар дунёсидир, иқтисодий лексиконда, лексикадаги семантик жараён, сўзда фойдаланиш ва синтаксис хусусиятлари билан тавсифланади.

Бир вақтнинг ўзида турли тил аспектлар ва фикрлашни амалга ошириладиган механизм ҳисобланади. Шпетныйни фикри буни тасдиқлайди. Дискурсни ўрганишдаги лингвостилистик ёндашув эса унинг вазифаларини аниқлаштириб беради, шунингдек оғзаки ва ёзма нутқнинг таҳлил қилиш, уларнинг жанрлари ва турли стилистик хусусиятларини ўрганади. [Шпетный, 2010:11]

Олимларни фикрини ўрганар эканмиз, дискурсга аниқ бир таъриф бериш қийин. Дискурс - бу мураккаб коммуникатив ҳолат бўлиб, уни оғзаки ва ёзма нутқда учратамиз. Кўриб чиққанамиздек олимларимиз фикри турлича. Уларни умумлаштирадиган бўлсак, дискурс – бу маъноли матн, икки киши ўртасидаги оғзаки ёки ёзма кўринишидаги суҳбат, монолог,



диалог, нутқдир. Дискурс- бу кўп жиҳатли ва кўп маъноли тушунча. Ҳақиқатни ифодаловчи тил ва бу тил ҳаётнинг калитидир. Инсоният, миллат, халқ, жамият тарихида ( унинг турли жабҳаларида тиббиёт, сиёсат, дин, иқтисодиёт ва б.к) содир бўлаётган барча ҳодисалар тил орқали ифодаланади.

Дискурс ҳақида маълумотга эга бўларканмиз, иқтисодий дискурс ҳақида тасаввурга эга бўлишга имкон беради. Иқтисодий дискурс тушунчаси тилшуносликда аниқланиши зарур бўлган долзарб мавзулардан биридир, ушбу дискурс жанрини аниқлаш ва унинг стилистик функцияси, лингвопрагматик ва социалингвистик хусусиятларини аниқлаш муҳимдир.Энг муҳим аспектлардан бири бу иқтисодиётдир. Иқтисодиёт шундай соҳа, билимки, унда жамият ва этноснинг асосий қизиқишлари намоён бўлади. Иқтисодиёт лексиконини ўрганиш шахс нутқини бойитади, метод ва уни таърифлашга, нутқга киришиб кетиши, қиёслаш, унинг тузилиши муаммоларини ўрганишга ёрдам беради. Иқтисодий дискурс ўз ичига иқтисодий лексика ва терминларни олади. Иқтисодий мавзулар турли, улар махсус белгилар билан чегараланмайди.

Иқтисодий дискурсни аниқлашда кўпгина тилшунослар ўз ишларини бағишлаганлар (Е.Петушинская,Ю.Степанов,К.Томашевская ва б.к).Баъзи тилшунослар иқтисодий дискурсни бошқа дискурслар билан таққослаган ҳолда ўргандилар. Мисол учун, А.П.Чудинов[Чудинов,2001:12], Е.И.Шейгал[Шейгал,2000:13] ва б.к : иқтисодий дискурс сиёсий дискурснинг ажралмас бир бўлаги деб таъкидлашган.Иқтисодий ва сиёсат давлатни ривожлантиришдаги энг муҳим соҳалардан ва улар бир- бири билан боғлиқ, лекин уларни бир-биридан фарқли белгилари, турли ташкилотлар, иштирокчилар ва уларнинг мақсадлари турлича, шунинг учун уларни алоҳида-алоҳида дискурсга ажратилди. (Шерметьева, 2011). Демак, олимлар таъкидлашича иқтисодий дискурсни сиёсий дискурс билан таққослаб ўрганиш осонроқ, албатта сиёсат билан иқтисодиёт бошқа- бошқа соҳа бўлишига қарамасдан улар кўринмас ип билан боғлиқ.

Авторларнинг фикрича, биз иқтисодий дискурс деганда иқтисодий соҳада ишлатадиган оғзаки нутқ деб тушунамиз. Уни мутахассис ёки мутахассис бўлмаган инсон, журналист оғзаки ёки ёзма ҳолда ўзини ёки унинг бир бўлагини ишлатиб, ҳақиқий иқтисодий дунёни тасвирлаб беради.

Тадқиқотлардан шу келиб чиқадики, иқтисодий дискурс тушунчасини аниқлашнинг иккита йўли аниқланган. Биринчиси : иқтисодий дискурс - бу матнлар тизими бўлиб, у турли факторлар таъсирида пайдо бўлади ( экстралингвистика, прагматика, социокультура) ва уларнинг бир мавзуда бирлашишидир.Иккинчиси - бу иқтисодий соҳадаги мулоқот. Иккала усулнинг асосида иқтисодий соҳада хизмат қиладиган иқтисодий матнлар ётади.

Инсонлар кўпроқ иқтисодий фаолият билан шуғулланганлиги учун иқтисодий дискурс машҳурдир. Жумладан, турли иқтисодий манбаларнинг кўплиги иқтисодий дискурсни янада ривожлантиради, айниқса, нутқнинг ифодаловчи когнитив жараён аниқ бир соҳаларни (молиявий инқироз, бозор, биржа, инвестиция, фонд ва б.к) ривожлантиради.

Иқтисодий дискурс муҳим дискурслардан биридир. Тилшуносларни фикрларини ўрганиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, иқтисодий дискурс иқтисодга тегишли бўлган мавзуларни ўз ичига олади. Ҳозирда ҳаётимизда уни тез-тез учраши унга бўлган талабни оширади. Уни ўз тилимизда ишлатилиши ёки бошқа тил билан қиёслаган ҳолда ишлатиб уни янада чуқурроқ ўрганиш мумкин, айниқса уни кўпроқ метафоралардан тузилганлиги изланишимизни янада кизикроқ қилади

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Н.Д., Арутюнова Дискурс/Лингвистический энциклопедический словарь. С. 136-137стр.Москва, 1989
2. Ярцева, В.Н. Лингвистический энциклопедический словарь.С. 682 стр. Москва, 1990
3. В.В.Красных Основы психолингвистики и теории коммуникации. Курс лекции.С.200-201стр.Москва, 2001
4. А.Е.Кибрик Моделирование языковой деятельности в интеллектуальных системах.С.280стр.Москва, 1987
5. А.А.Кибрик, В.А.Плунгян Функционализм//Современная Американская лингвистика: фундаментальные направления .С.276-339стр. Изд. 2-е, испр. и доп. Москва: УРСС,2002
6. Ван Дейк Т.А. Язык.Познание.Коммуникация.С.308 стр. Москва,1989



7. В.В. Красных «Свой» среди «чужих»: миф или реальность?С. 375стр. М.:ИТДГК «Гнозис»,2003
8. Степанов, Ю. С Альтернативный мир,дискурс, факт и принцип причинности. Язык и наука конца 20 века.С.35-73стр. М. : Ин-т языкозна-ния РАН,1995
9. Т.В. Матвеева Полный словарь лингвистических терминов.С. 562 стр. Ростов н/Д: Феникс,2010
10. Е.С.Кубрякова, О.В.Александрова Категоризация мира: пространство и время материалы научной конференции: Виды пространство,текста и дискурса.С. 19-20стр. Москва: Диалог-МГУ,1997
11. К.И., Шпетный Прагматические параметры профессионального дискурса.С. 214-234 стр. Вестник МГЛУ.№596,2010
12. А.П., Чудинов Россия в метафорическом зеркале: когнитивное исследование политической метафоры.С. 238стр. Екатеринбург: УрГПУ,2001
13. Е.И.Шейгал Семиотика политического дискурса.С. 440 стр. Волгоград,2000



## BEHAVIORALINGUISTIC FEATURES OF ADOLESCENT SPEECH AND ITS MANIFESTATION IN "ONLINE COMMUNICATION"

Suyunova Nasiba Bo`riqul qizi, PhD student of  
Tashkent State University of Uzbek language and literature  
E-mail: suyunovanasiba3@gmail.com

**Annotation.** In the psycholinguistic study of speech, all factors related to a person should be taken into account as one. In this study, we aimed to study the manifestation of adolescent speech in "online communication". Initially, the adolescence period, referring to its specific psychological characteristics, the topics that today's adolescents are widely used in online communication, the types of communication are psycholinguistic analyzed.

**Keywords:** online communication, adolescent period, adolescent speech, psycholinguistic characteristics of adolescent speech.

The formation of an anthropocentric paradigm is associated with the study of the language – speaking personality factor. The occurrence of anthropocentric deviation in linguistics has deviated the principle of structuralism tilni research "for itself and for itself", focusing its main attention on the individual factor .

In World linguistics, the emergence and development of such areas as Psycholinguistics, pragmalinguistics, discursive analysis, cognitive linguistics, linguoculturology also led to the emergence of serious theoretical views in the interpretation of the psycholinguistic paradigm. In particular, the approach to text analysis from an anthropocentric point of view has become one of the leading directions of today's linguistics. The fact that a Trinity consisting of a speaker – text – listener (the author of the text – text – retsipient) should be the main object in a text study, considered a complex and multifaceted phenomenon, is emphasized by many researchers. To date, the study of the factor of a person performing linguistic activities is deepening in such areas as the above – mentioned areas of linguistics-psycholinguistics, linguoculturology, cognitive linguistics, pragmalinguistics. At present, the anthropocentric approach to the language embodies the latest achievements of these areas and is increasingly strengthening its status as an independent paradigm.

When it comes to the concepts of contemplation and personality in the psycholinguistic paradigm, it is impossible not to dwell on the psychological basis of these concepts. In the term" speech treatment " it is emphasized that the process is one-sided: it represents the specific characteristics of either the speaker (addressant), which is a participant of the communicative situation, characterizing the speech or speech reaction of either the listener (addressee). The term "speech treatment" is convenient for describing monological forms of speech, for example, speech at lectures, meetings and other communicative situations. However, it itself will not be enough to analyze the dialogues. Accordingly, the concept of" speech communication "includes the concept of" speech treatment". Speech treatment is associated with sociological dimensions, such as role, situation and subject . Thus, the subject of social Psycholinguistics is the speech circulation of a linguistic person. The study of the linguistic personality dictates the consideration of each language owner as a unique aspect. However, in real speech circulation, it is difficult to determine the speech characteristics of a concrete person.

Adolescence is a period from 10-11 years of age to 15-16 years of age. Current adolescents have some advantages over their past counterparts in terms of physical intelligence and political. In them, sexual maturity, the process of socialization, psychic growth are manifested earlier. In most students, the transition to adolescence begins, mainly from the 5th grade. "Now a teenager is not a child, but also not a big one" - the same definition means an important character of the adolescent period. Adolescence is a period of transition from childhood to adulthood, characterized by its own characteristics, both physiologically and psychologically. At this stage, the physical and psychological development of children is greatly accelerated, their interest in various things in life increases, the desire for novelty increases, their character is formed, the spiritual world becomes richer, conflicts predominate. Adolescence is a period of puberty, characterized by the emergence of new sensations, sensations and even complex issues related to sexual life at this age begin to experience drastic changes in the development of a teenager. These changes are both physiological



and psychological changes.

These features are also reflected in the speech of the unsuspecting teenager. In adolescence, reading skills, written and monological speech develop rapidly. Starting from the 5th grade to the 9th grade, reading rises from the level of being correct, fast and expressive, to the level of being memorized, expressive, impactful. As for monological speech, it varies from re - telling a small piece of the work, independently preparing speeches and speeches, oral-reasoning, expressing thoughts and justifying them. The possession of written speech by children will be an important stage in the cultivation of their speech. The reader learns how to correctly understand written speech, learns to explain his thoughts in a state of written speech and explain it to others. Reading a book and especially expressing and explaining his thoughts in writing is of great importance in mastering the grammatics structure of the language. At the time of making a written statement, the need to fully understand the ideatirib obliges the reader not only to pay attention to the content of what he is writing, but also to pay attention to how he is writing.

**List of literature:**

1. Boboxonova D. Psixolingvistika. Namangan. 2019. 12 b.
2. Воркачев С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании // Филологические науки. – Москва, 2001. – № 1. – С. 64.
3. Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: Academia, 2001. – С. 17
4. Пименова М.В., Кондратьева О.Н. Концептуальные исследования. Введение. – М.: Флинта, 2014. – Б. 8.



## ИНГЛИЗ ТИЛИДА БАХТЛИЛИК ВА БАХТСИЗЛИК КОНЦЕПТУАЛ МАЙДОНИНИНГ АНТРОПРОМОРФ ИФОДА ВОСИТАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Қосимова Мадина Зайнобидиновна  
АДУ, Факультетлараро чет тиллар  
кафедраси катта ўқитувчиси

Инглиз тилида бахтлилик ва бахтсизлик концептосфералари турли-туман концептуал метафоралар орқали ифодаланади. Улар асосан нутқий вазиятга ҳиссий-экспрессивлик, субъектив баҳо бериш ёки мазкур концептларнинг феноменологик табиатини чуқурроқ очиқ бериш вазифаларини бажаради<sup>1</sup>.

Бахтлилик ва бахтсизлик когнитив моделларини инглиз тилида ўзига хос равишда шакллантирган Дж.Лакофф ва М.Джонсон, шунингдек, З.Кёвечеш таъкидлайдиларки, мазкур концептлар одатда ориентацион метафоралар орқали образли ифода шаклига кўчади (яъни *happу is UP* (бахт юқорига йўналганлик), *sadness is DOWN* (кайғу пастга йўналганлик))<sup>2</sup>. З.Кёвечеш масалага чуқурроқ ёндашар экан, бахтни куйидаги когнитив моделлар асосида образга кўчишини таъкидлайди<sup>3</sup>:

*happiness is a fluid in a container* (бахт идишдаги суюқлик<sup>4</sup>)– *she was bursting with joy* (у қувончдан тўлиб-тошарди/ёрилиб кетай дерди);

*happiness is heat/fire* (бахт иссиқлик)–*fires of joy were kindled by the birth of her son* (ўғлининг туғилгач, унинг кўзлари қувончдан чакнай кетди);

*happiness is a natural force* (бахт табиий стихия)–*I was overwhelmed by joy* (қувонч сурури мени ўз домига тортди);

*happiness is a physical force* (бахт жисмоний куч)–*he was hit by happiness* (у бахт дан зарба еди);

*happiness is a social superior* (бахт ижтимоий устунлик) – *they live a life ruled by happiness* (уларнинг ҳаётида бахт ҳукмрон эди);

*happiness is a captive animal* (бахт тутқун хайвон)– *all joy broke loose as the kids opened their presents* (болалар ўз совғаларини очар экан, шодлик ипидан бўшалди);

*happiness is insanity* (бахт ақлдан озишлик)– *the crowd went crazy with joy* (оломон қувончдан ақлдан озди);

*happiness is a force dislocating the self* (бахт ўздан чиқиш) – *he was beside himself with joy* (у ўзида йўқ хурсанд эди);

*happiness is a disease* (бахт касаллик) – *her good mood was contagious* (унинг кўтаринки кайфияти юқумли эди);

*happiness is light* (бахт нурдир)– *he was beaming with joy* (у қувончдан нур сочарди);

*happiness is feeling light (not heavy)* (бахт енгиллик ҳиссини туйиш)– *I was floating* (мен пардай енгил эдим);

*happiness is up* (бахт юқорига йўналган)– *I'm feeling up today* (бугун бошим осмонда);

*happiness is being in heaven* (бахт жаннатда бўлишлик) – *I was in seventh heaven* (ўзимни осмоннинг еттинчи қаватида ҳис қилдим (жаннатда));

*happiness is an animal that lives well* (бахт яхши шароитда яшаб турган хайвон)– *I was purring with delight* (қувончдан қуриллай кетдим);

*happiness is a pleasurable physical sensation* (бахт ёқимли жисмоний ҳолат) – *I was tickled pink* (икки юзим қувончдан қизарди);

*happiness is warmth* (бахт илиқлик)–*what she said made me feel warm all over*<sup>5</sup>(унинг айтган гапидан вужудимга илиқлик югурди).

*Биз тадқиқот учун танлаб олинган таҳлил услубига, шунингдек, юқорида келтирилган*

<sup>1</sup> Kövecses Z. The conceptual structure of happiness and pain //Reconstructing pain and joy: Linguistic, literary, and cultural perspectives. – 2008. – С. 17-34.

<sup>2</sup> Lakoff G., Johnson M. Metaphors we live by. – University of Chicago press, 2008.; Kövecses Z.Кўрс.манба.

<sup>3</sup> Kövecses Z.Кўрс.манба.

<sup>4</sup> Идиш вазифасини инсон тана аъзолари ўтайди, масалан, кўзлари, юраги ва ҳ.к.: *her eyes were full of delight*.

<sup>5</sup> Kövecses Z.Кўрс.манба.



когнитив моделга таянган ҳолда, ўзбек тилида берганимиздек, бахтлилик ва бахтсизликни образли ифода учун танлаб олинган донор манбалар тури ва табиатидан келиб чиқиб, фрейм-слот қолитида таҳлил қиламиз.

**Фрейм: «бахтлилик ва бахтсизлик инсон тимсолида».**

**Слот №1: «бахтлилик ва бахтсизлик инсонга хос иш-ҳаракатни амалга оширади»**

(1) *Happiness holds your hand when you feel down* (Michael J. Simpson) – Бахт, қайғу келганда, қўлингдан тутар;

(2) *Grief drives men into habits of serious reflection, sharpens the understanding and softens the heart* (John Adams) – Қайғу кишини жиддий мулоҳаза юритиш одатига ундаб, идрокни чархлайди ва қалбни юмшатади;

(3) *Extreme hopes are born of extreme misery* (Bertrand Russell) – Орзу-умидларга муккасидан берилиш ҳаддан ташқари бахтиқароликдан туғилади.

(4) *We'd both just broken up with our boyfriends, so we decided to go see a movie together – misery loves company*<sup>1</sup>.

Иккаламиз ҳам маҳбубимиздан ажралишганимиз туфайли, дардни дард олади деганларидек, бирга кинога боришга қарор қилдик.

(5) *Happiness walks on busy feet* (Инглиз халқ мақоли) – Бахт – юради банд (меҳнатнинг таги роҳат маъносида)

(6) *He dances well to whom fortune pipes* – Бахт кулиб боққаннинг юришини кўр. (Инглиз халқ мақоли)

(7) *Some of my happiest moments have been dancing.* (Claire Danes) – бахтли онларим хиром айламоқда эди.

(8) *Fortune knocks once at least at every man's gate* (Инглиз халқ мақоли) – Толе ҳамманинг эшигини ҳеч бўлмаса бир марта қоқар.

Антропоморф моделлар атроф-олам ва унда мавжуд мавҳум тушунчалар ёки жонсиз предметларнинг инсонга хос бўлган сифат ва фаолият кесимида гавдаланишида энг асосий воситалардан бири ҳисобланади. Мазкур универсаллик инсоний фаолият, руҳий ва эмоционал кечинмалар, ижтимоий-маданий қадриятлар ўзаро зич алоқаси асосида изоҳланиши мумкин. Тил-тафаккур маҳсули, тафаккур эса инсонга инъом этилган неъмат, шундай экан, инсон бутун борлиқнинг лисоний манзараси тасвирида марказида айнан ўзини кўради. Шундан келиб чиқиб, ҳар қандай эмоционал концептнинг образли тасвирий ифодасида антропоцентризм устувордир. Бу борада персонификация, яъни жонлантириш санъатига мурожаат қилмасликнинг имкони йўқ, зеро «...персонификация кўчимнинг, хусусан, метафораларнинг инсоний белги-хусусиятларга асосланувчи кенг доирасини қамраб олувчи умумий категориядир<sup>2</sup>. Демак, барча тилларда бўлгани каби, инглиз тилида ҳам бахтлилик ва бахтсизлик инсон тимсолида унга хос турли жисмоний ҳаракатларни амалга оширувчи категория сифатида лисонда образли ифодасини топади ва бу воситага, бошқа фрейм моделлари билан қиёсланганда, кўпроқ мурожаат қилинади ва амалий аҳамияти нуқтаи назаридан ажралиб туради. Инглизча бахт ва қайғу худди инсон каби севмоқ, келмоқ, кетмоқ, эшик қоқмоқ, раксга тушмоқ, ўткирламоқ, йўлдан оздирмоқ, ҳатто мусиқа асбобини чалмоқ каби иш-ҳаракатларни бажарар экан. Ўзбек тилида бўлгани сингари, жонлантириш санъатининг инсоний ҳатти-ҳаракатни ифодаловчи феъллар билан ифодаланиши кўпроқ бадиий адабиёт ва шеърятга хос, бироқ бундай феъллар орасида «some (келмоқ)» ва «go (кетмоқ)» кабилари (айтиш керакки, улар кўчимларнинг деярли барча турлари учун хос) услубий жиҳатдан бетараф бирликлар сифатида нутқнинг барча кўринишларига ва жанрларга хосдир. 4-, 5-, 6-, 9- мисоллар турғун иборалар асосидаги паремиялар ҳисобланади, демак, бахтлилик ва бахтсизлик, аввало, айнан мазкур иш-ҳаракатларни амалга ошириши билан инглиз миллий-этник қарашларини акс эттирса, қолганлари турли адабий ва публицистик манбалардан олинган индивидуал-муаллифлик кўчимлари бўлиб, уларда қўлланилган антропоморф кўчимлар тингловчи ёки ўқувчига фикрнинг тўғридан-тўғри, аниқ ва таъсирли етиб боришини таъминловчи восита, қолаверса,

<sup>1</sup> misery loves company // <https://dictionary.cambridge.org>

<sup>2</sup> Лакофф Дж. Метафоры, которыми мы живем: пер. с англ. / Дж. Лакофф, М. Джонсон; под ред. и с предисл. А. Н. Баранова. – Москва : УРСС, 2004. – С.59-60



ижодий ёндашув ва тасаввур маҳсули ҳисобланадилар.

**Слот № 2: «инсонга хос мулоқот воситалари (вербал ва новербал), нутқий фаолият бахтлилик ва бахтсизлик учун хос».**

(1) *Happiness tells you you'll pull through* – Бахт сизга ҳали ҳаммаси ортда қолишини айтади.

(2) *Her happiness resonated throughout the crowd. It was a perfect moment she will forever treasure*<sup>1</sup> – Унинг бахти оломон орасидан жаранглади. Ҳа, бу унинг учун энг қадрли дамлар эди.

(3) *I hear that Jenny just won some major award, so soon after her huge promotion. It seems that fortune smiles on her at the moment!*<sup>2</sup> – Эшитишимга қараганда, Женни мансаб пиллапоясидан баланд кўтарилганидан ҳеч қанча ўтмай жуда катта бир мукофотга сазовор бўлибди. Айни дамда омад унга кулиб боқаётган кўринади!

(4) *Wrinkles should merely indicate where smiles have been.* (Mark Twain) – Ажинлар фақатгина табассумнинг ўрнини кўрсатишлари керак.

(5) *Excess of sorrow laughs; excess of joy weeps.* (William Blake) – Кўп ғам чеккан кўп кулар; кўп шодланган кўп йиғлар.

(6) *In her sweeping new work «The Promise of Happiness», Sara Ahmed provocatively challenges the idea of happiness as a necessary social good*<sup>3</sup> «Бахтнинг ваъдаси» номли кенг қамровли янги асарида Сара Ахмед бахт ғоясининг зарур ижтимоий неъмат сифатида қаралишига провокация билан қарши чиқади.

(7) *An inner happiness whispered to me: "Live." That was the greatest moment of my life* (Ingrid Divkovic) – Ички саодатим пичирлади: «Яша!». Бу ҳаётимдаги энг ажойиб он эди.

Юқорида келтирилган мисолларнинг барчасида бахтлилик ва бахтсизлик нутқий фаолиятни амалга оширувчи фаол субъект сифатида тасвирланган. Кузатувларимиз асносида маълум бўлдики, мазкур слот асосан бахт учун хос экан. Бахтнинг жилмайиши, кулгуси, хайқириғи, чорлови, шивирлаши ва ҳ.к. кабилар паремик фонд таҳлилида учрагани йўқ, балки шаклланиш поғонасидадир; мазкур ҳолат, бизнингча, асрлар оша бахт талқинида инсон тимсолини марказлаштиришга уринишнинг кучайишидан далолат. Биргина Уильям Блэйкка тегишли «*excess of sorrow laughs; excess of joy weeps*» цитатасини ўзбек тилидаги «*кўп кулган кўп йиғлар*» мақолига муқобил сифатида баҳолаш мумкин бўлса-да, инглиз миллий-этник талқини сифатида қаролмаймиз. Мисолларда келтирилган феълларнинг деярли бари вербал мулоқотни ифодалайди, ғам-қайғу, ўзбек тилидан фарқли равишда, биз таҳлил қилган мисоллар орасида мазкур гуруҳ феъллари билан бирикмаяпти. Бунинг ўзига яраша сабаби сифатида айтиш мумкинки, мулоқот асносида адресант ва адресат ўртасида жавоб алмашилади, яъни мазкур слот доирасидан келиб чиқсак, инсон бахт билан мулоқотга киришишга мойил, хоҳиши бор; бахтсизлик билан эса аксинча, яъни ўзига у билан мулоқот қилишни раво кўра олмайди, ундан қочади.

**Слот № 3: «бахтлилик ва бахтсизлик соматик табиатга эга».**

(1) *«The hands of misery» is dramatic tale about the challenges one girl faces after her 18th birthday*<sup>4</sup> – «Бахтиқаролик чангалида» бир қизалоқнинг 18 ёшга тўлганидан кейин бошдан кечирган машаққатлари тўғрисида ҳикоя қилувчи драматик асар;

(2) *Today he has come back to our country... to photograph the children of the Socialist Republic of Vietnam... and to show our friend on other countries... the new face of our joy and happiness*<sup>5</sup> – У бугун юртимизга Вьетнам Социалистик Республикаси фарзандларини суратга олиб, бошқа ўлкалардаги дўстларимизга қувонч ва бахтнинг янги чехрасини кўрсатиш учун қайтиб келди;

(3) *Happiness has eyes, but unhappiness doesn't have. It just chooses anyone randomly*<sup>6</sup> – Бахтнинг кўзлари бор, бахтсизликники эса, йўқ. У (бахтсизлик) тўғри келгани танлаб

<sup>1</sup> Sparkle wedding photography// <https://www.facebook.com>

<sup>2</sup> Fortune smiles//<https://idioms.thefreedictionary.com>

<sup>3</sup> The promise of happiness// <https://socialtextjournal.org/>

<sup>4</sup> The hands of misery//<https://www.imdb.com/title/tt2982836/>

<sup>5</sup> The face of happiness//<https://context.reverso.net/>

<sup>6</sup> Happiness// <https://www.facebook.com/403360683100628/posts/happiness-has-eyes-but-unhappiness-doesnt-have-it-just-chooses-anyone-randomlywe/2577151702388171/>



кетаверади.

Мазкур слотга оид мисоллар кўп эмас, бармоқ билан санарли; бу ҳолат инглиз адабиётида унинг актуал эмаслигидан далолат беради. Наср, назм ва публицистикада муаллифнинг услуби ва ижодий ёндашувига кўра қўлланилган. Унга кўра бахтлилик ва бахтсизлик соматик жихатдан юз, қўл, кўз каби тана аъзоларига эга бўлиб, улар тадқиқотимиз объекти учун кўчим манбаи, яъни донор зона сифатида хизмат қилмоқда.

**Слот № 4: «Бахтлилик ва бахтсизликнинг ташқи кўринишга оид белги-хусусияти бор».**

(1) *Only by multilateral action can we give people in the least developed countries the chance to escape the ugly misery of poverty, ignorance and disease*<sup>1</sup> – Кўп томонлама ҳаракатларни амалга ошириш орқалигина ривожланишдан ортда қолган давлатлар аҳолисига қашшоқлик, жаҳолат ва касалликларнинг даҳшатли азобидан қочиш қутулиш имконини бера оламиз.

**Слот № 5: «инсонга хос характер хусусиятлари бор».**

(2) *The faces of most American women over thirty are relief maps of petulant and bewildered unhappiness.* (F. Scott Fitzgerald) Ўттиз ёшдан ошган аксарият америкалик аёлларнинг юзлари мисоли кўрс ва саросимадаги бахтиқароликнинг рельеф харитасидир;

(3) *The attitude of unhappiness is not only painful, it is mean and ugly* (William James) – Бахтсизликнинг муносабати нафақат азобли, балки пасткаш ва хунукдир;

(4) *I will instruct my sorrows to be proud; for grief is proud, and makes his owner stoop* – (Shakespeare) Ўз аламларимни мағрурликка ўргатай; қайғу ўз эгасининг қаддини букиб, гердаяр.

Кўриниб турибдики, инсонга хос ташқи белги-хусусиятдан кўра феъл-атвор ҳамда ҳиссий-эмоционал планга оид хусусиятлардан кўчим манбаи сифатида фойдаланиш устун. Бу жихатдан ўзбек тили бадиий адабиётида бахт ижобий, бахтсизлик эса салбий сифатлар билан жонлантирилганига гувоҳ бўлган бўлсак, инглиз тилида бундай дея олмаймиз: бахтнинг мазкур слот доирасида фаоллашганига гувоҳ бўлмадик. Кўп мисоллар бахтсизлик ва унинг ядро бирликларига тааллуқли бўлиб, унга мағрурлик, пасткашлик, хунуклик, бесабрлик каби салбий инсоний хусусиятлар тиркалади. Слот №2 билан слот №3 ўртасидаги номуносивлик шу ерда яққол кўзга ташланади – бири бахт учун, кейингиси бахтсизлик учун донор манба бўла олмайди.

### **Концептуал таҳлил масаласи ва унинг методологик асослари**

Қосимова Мадина Зайнобидиновна

АДУ, Факультетлараро чет тиллар кафедраси катта ўқитувчиси

Концептуал таҳлил асосан лексик-фразеологик ифода воситалари кесимида амалга оширилса-да, семантик таҳлилдан фарқ қилади. Мазмуни, мақсади ва вазифалари жиҳатидан қайсидир маънода қарама-қарши табиатга эга: лексик семантика тил бирликларининг шаклидан мазмун-моҳияти томон борса, концептуал таҳлилда маъно бирликларидан шакл ва ифода бирликлари, лексик маънодан концепт моҳияти, яъни когнитив интерпретация томон силжиб боради. Лексик бирликларнинг когнитив интерпретация босқичи жуда ҳам муҳим – усиз таҳлил лингвистик семантика доирасида қолиб кетади<sup>2</sup>. Семантик таҳлил орқали сўз тавсифланса, концептуал таҳлил тил ва тафаккур ва инсоннинг атроф-олам ҳақидаги кенг қамровли билимларини назарда тутаяди. Концептуал таҳлил турли методлар орқали амалга оширилади, турли тадқиқот материаллари асосида ишлаб чиқилган кўплаб ёндашувлар мавжуд<sup>3</sup>. В.А.Маслова ўзининг «Когнитивная лингвистика» ўқув қўлланмасида концептуал таҳлилнинг профиллаштириш назарияси методи (Е. Бартминский), вертикал синтактик майдонлар (С.М. Прохорова), гештальтларни аниқлаш концептуал таҳлили (Л.О. Чернейко, В.А. Долинский), вертикал контекст методи (О.С. Ахманова, И.В. Гюббенет), фрейм семантикаси (Ч.Филлмор), метафорик таҳлил (Дж. Лакофф, М. Джонсон), сценарийлар таҳлили методи (Р.Шенк, Р.

<sup>1</sup> September 12, 2002 Address to the General Assembly // <https://www.un.org/sg/en>

<sup>2</sup> Попова З. Д. Когнитивная лингвистика / З. Д. Попова, И. А. Стернин. – М.: АСТ: Восток – Запад. – 2007. – С.248

<sup>3</sup> Рыжкина А. А. О методах анализа концепта // Вестник Оренбургского государственного университета. – 2014. – №. 11. – С. 117-120



Абельсон) ва когнитив прототиплар (Э. Рош, Дж. Лакофф) каби турли ёндашувларга асосланган методлар ҳақида маълумот беради<sup>1</sup>.

Олиманинг фикрича, концептуал таҳлилнинг қандай услубини танлаш тадқиқот остидаги концептнинг тури, табиати, қай даражада мураккаб тузилмага эга эканлиги ва халқнинг миллий-маданий ҳаётидаги ўрни, шунингдек, тадқиқотчи ўз олдида қўйган мақсад ва вазифаларга мувофиқ тарзда амалга оширилади. Масалан, В.А.Маслова фикрича, концептуал тузилмаларнинг ядро ва периферик бирликларини ажратиш олиш нуқтаи назаридан маданий ҳиҳатдан аҳамиятга молик бўлган концептлар учун қуйидаги метод долзарблик касб этади<sup>2</sup>:

1) таҳлилга тортилаётган концептга тааллуқли бўлган референт-вазиятларни аниқлаб олиш (бадий матн материаллари асосида);

2) оламнинг миллий манзарасида концептнинг ўрнини аниқлаш; энциклопедик ва лингвистик луғат манбаларида изоҳ ва тавсифига мурожаат қилиш;

3) этимологик манбаларда берилган маълумотларга мурожаат қилиш;

4) тегишли контекстларни таҳлилга жалб этиш, масалан, бадий, поэтик, публицистик, илмий, фольклор матнлари ва ҳ.к.;

5) таянч лексеманинг ассоциатив узвлари таҳлилнинг аввалги босқичларида олинган натижалар билан солиштирилади;

6) агар концепт муайян кадр-қийматга эга бўлса, маданиятнинг бошқа экстралингвистик бирликларига ҳам мурожаат қилиниши мумкин – рассомчилик намуналари, ҳайкалтарошлик, архитектура ва ҳ.к.<sup>3</sup>.

С.Г. Воркачев эса концептуал таҳлил танлаб олинган концептнинг учала таркибий қисмлари кесимида қуйидагича амалга оширилиши мумкинлигини таъкидлайди:

1. Концептнинг мазмуний таркиби таҳлили. Мазкур жараёнда унинг семантик белгилари, яъни лексикографик таҳлил;

2. Концептнинг образли компоненти таҳлили. Мазкур жараён қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади: метафоризациянинг умумий ва хусусийлик даражасига кўра, метафоризациянинг усулларининг қўлланилиши частотасига кўра, лексик бирликларнинг маъно турларига кўра, кўчим манбаига кўра<sup>4</sup>.

3. Концептнинг энг кўп аҳамият касб этувчи таркиби унинг номинатив майдони синоним ва омонимлари, қандай сўз туркумлари орқали тилда воқеланиши, сўз ясашидаги унумдорлик даражаси, лексик-грамматик бирликларнинг прагмастистик хусусиятларини таҳлил қилиш орқали аниқланади<sup>5</sup>.

В.И. Карасик нуқтаи назарига кўра концепт таҳлили қуйидаги босқичларда амалга оширилгани мақсадга мувофиқ:

1) аввало дефиниция, яъни тавсифлаш;

2) контекстуал таҳлил;

3) этимологик таҳлил;

4) паремиологик таҳлил;

5) интервью, анкета сўровномаларини ўтказиш ва шарҳлаш<sup>6</sup>.

Лингвистик тадқиқот доирасида олиб борилган концептуал таҳлил муҳим аҳамият касб этади, чунки олинган натижа ва хулосалар халқларнинг этник-маданий, диний ва маиший жиҳатдан умумий ва хусусий жиҳатларни аниқлаш имконини беради. Кўриниб турибдики, концептуал таҳлил методлари хилма-хил: тадқиқотчининг нуқтаи назари ва ўз олдида қўйган мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб хос услуб танланиб олинади. Тадқиқот ишимизда биз концептуал таҳлилга концептни лисонда ифодаловчи воситаларнинг номинатив майдон моделини яратиш услуби сифатида қараймиз ва бахтлилик ва бахтсизлик концептлари

<sup>1</sup> Маслова В. А. Когнитивная лингвистика: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений // М.: Издательский центр «Академия». – 2004. – С. 44-45

<sup>2</sup> Маслова В. А. Кўрс.асар. – С.47

<sup>3</sup> Маслова В. А.Кўрс.асар.– С.46

<sup>4</sup> Воркачев С. Г. Концепт счастья: понятийный и образный компоненты //Известия Российской академии наук. Серия литературы и языка. – 2001. – Т. 60. – №. 6. – С. 47-58.

<sup>5</sup> Воркачев С.Г. Культурный концепт и значение // Труды Кубанского государственного технологического университета. Сер. Гуманитарные науки. – Краснодар, 2003. – Т. 17. – Вып. 2. – С. 268–276.

<sup>6</sup> Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. – Волгоград: Перемена, 2002. – С.139



лексик-семантик майдонининг асосий, яъни актив, қўшимча ва пассив қатламлари бўйича таҳлилни қуйидаги олти босқичли тартибда амалга оширамиз:

1. Концепт талқинига тегишли референт-вазиятларни ўзида акс эттирувчи мисоллар картотекасини жамлаш; ушбу мақсадни амалга ошириш учун турли услуб ва жанрдаги (поэтик, проза, публицистика, илмий-маърифий, сўзлашув нутқи) манбаларга мурожаат қилиш;

2. Концептга тиркалган таянч лексеманинг этимологик таҳлили;

3. Концептга тиркалган таянч лексеманинг лексикографик манбалардаги изоҳларига мурожаат;

4. Концептнинг номинатив майдонини ташкил қилувчи лексемаларнинг майдон тузилишидаги ўрнини аниқлаш (ядро-периферик);

5. Концепт билан синонимик алоқадаги бирликларнинг таянч сўз билан умумий ва хусусий жиҳатлари таҳлили;

6. Концептни тилда образли акс эттирувчи фразеологик воситаларнинг фрейм-слот таҳлилини амалга ошириш.

Маълумки, концептнинг актив ва актуал қатлами сифатида лексикографик манбаларда тавсифланган бош изоҳлар танлаб олинади ва иккиламчи маънолар яқин периферия ва нутқда фаоллик даражаси паст бўлиб, муайян ижтимоий гуруҳлар учунгина актуал белгилари пассив қатламга тегишли бирликлар сифатида таҳлил қилинади. Тадқиқот остидаги концептуал майдон образли ифода воситалари эса фрейм – слот қолипи усулида таҳлил қилинади.



## ADVANTAGES OF CASE METHOD IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES

**Malika Khidirova,**  
Student of Karshi State University

**Annotation:** Case method or the case study is widely used in the study of foreign languages. This article highlights the advantages of using case method in teaching foreign languages, especially English.

**Key words:** case study, problem, learning process, authentic material

**Annotatsiya:** Chet tillarini o'rganishda keys metodi yoki keyslardan keng foydalaniladi. Mazkur maqolada chet tillarini, xususan ingliz tilini o'rgatishda keys usulidan foydalanishning afzalliklari ko'rsatilgan.

**Kalit so'zlar:** keys, muammo, o'quv jarayoni, autentik material

**Аннотация:** При изучении иностранных языков широко используется кейс-метод или кейс-стади. В этой статье освещаются преимущества использования кейс метода в обучении иностранным языкам, особенно английскому.

**Ключевые слова:** кейс-стади, проблема, учебный процесс, аутентичный материал.

The case method as an educational technology offers students real communication situations for analysis. Students are invited to comprehend a real life case (case) containing both a practical problem and a certain set of knowledge that must be learned when solving this problem, which does not have unambiguous solutions. This linguistic material is repeatedly and comprehensively trained, in the process of studying the authentic use of the language, phraseological units, idioms, phonetic features are analyzed. "Case studies increase student proficiency with written and oral communication, as well as collaboration and team-work. "Case studies force students into real-life situations," training them in managerial skills such as "holding a meeting, negotiating a contract, giving a presentation, etc" [Daly, 2002, cited by Sarimsakova, 2021]. Thus, the students not only master the lexical material, but also acquires communicative competence. Cases can be used both in the learning process itself and in the control process. Mostly, cases often consist of three parts:

- 1) the necessary supporting information;
- 2) a description of a specific situation;
- 3) assignment to the text of the case in the form of questions.

The work of students with a case has several stages:

1) preparatory - familiarity with the situation. The task of the teacher is to formulate the goal and objectives of each stage of work, criteria for evaluating the results. At this stage, the main problem or problems are identified, solutions concepts are proposed and solutions are analyzed in small groups;

2) the main one is the solution of the case: presentation of solutions and collective discussion of various options;

3) final - summing up the results of the work, evaluating the results.

The use of the case method in foreign language lessons contributes to [2]:

- improving the general level of language proficiency in general;
- the development of creative thinking (makes you think in English);
- development of the ability to lead a discussion, to argue their answers;
- improving the skills of reading and processing information in English, the ability to apply their language knowledge in practice;
- development of teamwork skills and collective decision-making;
- an increase in the independence of students, the development of responsibility for decisions made (a student turns into a subject of learning and learns to learn);
- the problem of motivation is solved, a situation of "success" is created in the lesson, and the stereotyped and unemotional presentation of educational material is overcome.

Brainstorming is one of the most popular methods of stimulating creativity which allows you to find solutions to complex problems or cases by applying special discussion rules.

1. Statement of the problem. Preliminary stage. At the beginning of this stage, the problem should be clearly formulated. The participants in the storm are selected, the leader is determined and the other roles of the participants are assigned, depending on the problem posed and the



chosen method of conducting the storm.

2. Generation of ideas. The main stage, on which the success of the entire brainstorming largely depends.

3. Grouping, selection and evaluation of ideas. This stage allows you to highlight the most valuable ideas and give the final result of the brainstorming session. At this stage, unlike the second, the assessment is not limited, but on the contrary, is encouraged. The methods for analyzing and evaluating ideas can be very different. The success of this stage directly depends on how "equally" the participants understand the criteria for selecting and evaluating ideas.

In conclusion, I would like to highlight that case method in teaching foreign languages contribute the following skills: improve the general level of language proficiency, the development of creative thinking skills, development of the ability to lead a discussion, to argue their answers, improving the skills of reading and processing information in English, the ability to apply their language knowledge in practice, development of teamwork skills and collective decision-making, increase in the independence of students, the development of responsibility for making decisions and etc.

#### References:

1. Jalolov J. Methods of teaching English in high school. - Tashkent, 1997.
2. Khidirova, M. K., & Nashirova, S. B. (2021). Communicative Task-Based Approach in ELT. *Pindus Journal of Culture, Literature, and ELT*, 6, 111-115.
3. Khidirova, M. K. K. (2021). The effectiveness of project technology in ELT. *Science and Education*, 2(6), 455-457.
4. Sarimsakova, Dilafruz (2021) "DEVELOPING THE SOCIOLINGUISTIC COMPETENCE OF FUTURE ENGLISH TEACHERS THROUGH THE USE OF CASE STUDIES," *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*: Vol. 2021 : Issue. 2 , Article 7: DOI: <https://www.doi.org/10.51348/tziuj202127> Available at: <https://uzjournals.edu.uz/tziuj/vol2021/iss2/7>



## ДИФФЕРЕНЦИРОВАННЫЙ ПОДХОД К ОБУЧЕНИЮ РУССКОМУ ЯЗЫКУ КАК ИНОСТРАННОМУ

**Турсунова Розия Хатамовна,**

учитель русского языка

Республиканского специализированного

академического лицея при Национальной Гвардии

Республики Узбекистан

Телефон: +998901855875

**Аннотация:** В статье подчеркивается актуальность дифференцированного подхода к обучению, включая описание основных приемов индивидуализации и дифференциации на уроках русского языка. Описаны примеры практического применения приемов. Идея дифференцированного обучения отражает необходимость повышения эффективности учебного процесса, качества образования вследствие использования в процессе обучения современных методов и форм обучения, учитывающих особенности развития личности. Благодаря дифференцированному обучению успешно формируются универсальные учебные действия каждого ученика с учетом его возможностей и способностей.

**Ключевые слова:** дифференцированный подход при обучении русскому языку как иностранному /учебник русского языка/учебно методический комплект по русскому языку / система дифференцированной педагогической помощи учащимся/

Сегодня существует большое количество методик, направлений, педагогических трудов, обобщающих опыт не одного поколения учителей, цель которых - помочь учителю в профессиональном росте. Современная школа сегодня ставит высокие цели и задачи, но не всегда учитывает способности и возможности общества (отдельной семьи, ученика). Способности и возможности каждого ученика необходимо изучать и знать современному учителю в конкретной школе, в конкретном классе. Именно такой подход позволит создать ситуацию успеха для каждого обучающегося, что является условием получения прочных знаний по каждому предмету, в том числе и по такому сложному как русский язык.

Дифференциация - это форма организации учебной деятельности школьников, при которой учитываются их склонности, интересы, проявившиеся способности.

Дифференциация в образовании - это создание различий между частями (школами, классами, группами) образовательной системы (общее образование, школа, класс, группа) с учетом одного или нескольких направлений.

Основная задача дифференцированного обучения - вовлечь в работу каждого ученика, помочь «слабому», развивать способности «сильных».

Дифференцированная работа требует предварительного деления учащихся на группы по уровню обучаемости.

Формы и методы работы на уроках русского языка с применением дифференцированного подхода включает в себя следующее:

1. Объяснение материала на повышенном уровне, затем на более доступном.
2. Дополнительные вопросы.
3. Задания на выбор.
4. Деление класса на подгруппы при выполнении анализа контрольной работы.
5. Подбор дифференцированных домашних заданий.
6. Работа по индивидуальным карточкам.

Для учащихся 8-классов можно предложить следующие варианты заданий по теме «Второстепенные члены предложения»:

1. Работа в парах. Деление слов на группы.  
- Прочитайте слова в воскресенье, зимой, в лицее, здесь, поздно, под солнцем. – Что вы можете о них сказать? (Могут быть в предложении обстоятельством)  
На какие группы можно поделить эти слова? (Обстоятельства места, времени, условия)
2. Синтаксический разбор предложений.  
Уровень А. Разбери предложения по членам, дай им характеристику  
- Лес пахнет дубом и сосной.



- Ночью ветер злится да стучит в окно.

- Москва – столица России.

Уровень В. Разбери предложения уровня А.

- Белые цветочки вечером расцветают, а утром увядают.

Уровень С. Поставь пропущенные знаки препинания, разбери предложения, дай им характеристику.

- Высоко поднялся и белеет полумесяц в бледных небесах.

- Летний вечер тих и ясен.

Дифференцированные задания с использованием упражнений и заданий учебника.

Задания:

- Составьте предложения, употребив необходимые дополнения.

- Поставьте к ним вопросы.

- Спишите текст, вставляя на месте скобок подходящее по смыслу слова.

- Подчеркните их как члены предложения.

- Словами какой части речи выражены эти члены предложения и почему?

2. Мы потренируемся в умении использовать обстоятельства в речи. Выполняем упр.76, стр.34. Измените предложение по образцу. Задайте вопрос к обстоятельству места.

Образец: Я живу (где?) в Хиве. Я поехал (куда?) в Хиву. Я вернулся (откуда?) из Хивы.

При выполнении этих работ возрастает роль самого ученика в определении содержания работы, в выборе способов ее выполнения, возникает возможность сотрудничества учителя и ученика, особенно при выполнении учениками заданий творческого характера. В работе широко использую компьютерные технологии. Ребятам предлагаются разные задания по изучаемой теме, выполнять которые они могут, используя компьютерные программы.

1. Творческая работа.

2. Коллективно-индивидуальная работа по картине «Зимний лес».

3. Напишите, как можно больше слов по картине, которые будут являться в предложении обстоятельством, или словосочетания, в которых есть обстоятельства.

4. Назови слова или словосочетания, которые подходят к данной картине, отвечающие на вопросы: Где? Куда? Откуда?

Дифференцированный подход в обучении на уроках русского языка помогает формировать учебную деятельность детей. Овладев этой деятельностью, учащиеся сами начинают её совершенствовать, что приводит к развитию их интеллектуальных способностей. Дифференцированный подход в обучении, таким образом, ставит перед учителем учащихся задачу развивающего обучения.

Дифференцированный подход к учащимся в процессе обучения способствует подготовке слабоуспевающих к восприятию нового материала, шире использовать возможности учеников, особенно сильных, и постоянно поддерживать интерес к предмету.

### Список литературы.

1. Антропова М.В., Манке Г.Г., Кузнецова Л.М., Бородкина Г.В. Дифференциация обучения: Педагогическая и физиолого-гигиеническая оценка. //Педагогика, 1992, №9-10.

2. Кирилова Е.Ю. Способ организации дифференцированного обучения на основе анализа внутренней позиции учащихся. // Новые исследования в педагогике, 1973, №8.

3. Алиев Н.Н. Дифференцированное обучение русскому языку иноязычных учащихся-неофилологов: пед. наук. М., 1992.

4. Амонашвили Ш.А. Единство цели: Пособие для учителя. М.: Просвещение, 1987.

5. Учебник русского языка для 8 класса. (нац. школа)



## ХУРШИД ДАВРОННИНГ КОМПОЗИЦИЯ ТУЗИШДАГИ МАҲОРАТИ

Нусратиллоева Дилноза Нусратиллоевна

Навоий давлат педагогика институти

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси

Телефон: +998997569126

E-mail: nusratilloeva@mail.ru

**Аннотация:** Ушбу мақолада ўзбек адабиётининг етук вакилларида бири Хуршид Давроннинг композиция тузиш маҳорати ва унинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** Адабиёт, лирика, композиция, пейзаж, терцет, мусаллас мурабба, мусаммат.

Ўзбек мумтоз шеърлятида “композиция” термини қўлланилмаган бўлса-да, композиция тушунчаси бўлганлигини рубоий, ғазал, мухаммасга ўхшаш шеърлий жанрлар мисолида кўриш мумкин. Масалан, шоирлар ғазалнинг қатъий қоидалари: матла, макта, қофияланиш тартиби, баҳрлари, радиф каби композиция воситаларига амал қилганлар. Композиция грекча қурилиш, тузилиш маъноларини билдириб, бадий асарда мазмун ва шакл уйғунлигини таъминлайди. “Ҳар бир асарни уч қисмга бўлиш мумкин, - деб ёзади Ойбек. – Биринчи қисмда бош фикр, бош мотив ифодаланади, иккинчи қисмда ёрдамчи янги мотивлар ила мавзу очилар, учинчи қисмда фикр ва туйғулар доираси бекилади. Буни хотима деб аталар, хотимада фикрлар, туйғулар аниқланиб, ўткирланиб бир тўқисга тўпланди”.

Бадий асарларда барча қисм ва бўлақларни ғоявий -бадий мукамалликни вужудга келтирадиган тарзда жойлаштириш ижодкордан катта маҳорат талаб қилади. Хуршид Давроннинг илк китоби “Қадрдон қуёш”да ёзилган шеърларининг санаси қўйилмаган. “Қақнус” тўпламидаги “Феврал”, “Болаликнинг овози” тўпламидаги “Сўғдиёна”, “Баҳордан бир кун олдин” китобидаги “Қодирийнинг сўнгги сурати” шеърларида 1970 йил санаси қўйилганлиги инобатга оладиган бўлсак, шоир 18 яшарлигидаёқ бадий ижодга далил кириб келган. Демак, Хуршид Даврон 14-15 ёшлардан бошлаб шеър машқ қила бошлаган деган хулосага келишимиз мумкин. 1970 йил санаси қўйилган “Қодирийнинг сўнгги сурати” шеърини мукамал ёзилган. Ижодкор илк шеърдаёқ бундай мукамал, композицион пишиқ шеър ёзолмайди, бу даражага келиш учун табиийки уч-тўрт йил изланиш машаққатларини бошдан кечиришга тўғри келади. Илк изланиш қийинчиликлари нимада бўлиши мумкин? Бизнингча, бу айтмоқчи бўлган гапини яхшироқ бир композицияда беришда кўринади. Чунки ёш шоир композициянинг энг муҳим масаласи – гапни нимадан бошлаб, нимада тугатиш кераклигини яхши ҳис қилгандагина яхши шеърлар ёза бошлайди. Шу нуқтаи назардан шоирнинг илк шеърларидан бири сифатида тақдим этилган “Феврал” шеърини кўриб ўтамыз.

*Қор ёмғирга айланиб  
Дала узра ёғмоқда.  
Уфқларга бойланиб,  
Лойга ботган сўқмоқлар.*

*Булутларнинг тоби йўқ  
Улар озган, тўзиган.  
Кўкда қуёш сурати  
Энди яхши чизилган.*

*Юпқалашган қиш қалби  
Юракдаги гам каби  
Далаларда эрпир қор.*

Кўриниб турибдики, биринчи икки мисра оддий маълумот, табиат ҳодисасини қайд этишдан иборат бўлиб қолган. Кейинги икки мисра оригинал образли ифода: “Уфқларга бойланиб”, “Лойга ботган сўқмоқлар”. Иккинчи бандда кишининг охириги баҳор бошларида



осмондаги булутларнинг поэтик ифодаси жонлантириш санъатида ажойиб манзара яратган. Қор ёмғирга айланганда жуда кучли ёғингарчалик бўлмайди, ёмғир сепалаб ўтади, холос. Бундай об-ҳавода осмон тиниқ тортиб, булутлар озган, тўзгандек, қуёш янада чароғон нур тараётгандек туюлади. Бу икки банд соф пейзаж манзараси. Шеър сўнгидаги гўё композицион жиҳатдан номукуммалдек туюладиган (тўрт мисралик эмас), уч мисралик бандда табиат тасвирига лирик қаҳрамоннинг қалб кечинмалари уйғунлашиб кетади. Агар учинчи бандда “юпқалашган қиш қалби” метафорик жонлантириши бўлмаганда охирги икки мисранинг оддий ахборотдан фарқи қолмас эди. Ана шу “Феврал” шеъри мисолида ҳам шоирнинг илк услубий изланишларидаги бўй кўрсата бошлаган аломатларни кўриш мумкин. Бу – оддий, содда жумлалар билан мураккаброқ саналган метафорик ифода кўринишларига ўтиб кетиш ёки аксинча метафорик фикрлашдан оддий, содда ифода манерасига ўтишдир.

Одатда бармоқ вазнидаги шеърларнинг илк банди қандай тартиб топган бўлса, кейинги бандларни ҳам шу тартибда давом этади. Бироқ биз кўриб ўтган шеър тўрт мисралик бандлар бўлиб, охирги банд уч мисралик бўлиб қолган. Назаримизда бу шоирнинг шаклий-услубий изланишлари маҳсули, қолаверса, шеър шундай ҳам бўлиши мумкин, деган эътирозли ишончнинг самарасидир. Хуршид Даврон шеърларида кўп учрайдиган композицион усуллардан бири банддаги айрим мисраларни тuroқланиш тартибига қараб икки мисрага бўлишида кўзга ташланади. Унинг 1976 йили ёзилган “Беланчакда ётган гўдаклар” деб бошланувчи шеъри бунинг ёрқин мисолидир.

*Беланчакдан ётган гўдакдан  
Тунлар бодом иси анқийди  
Сочларида юлдузлар ўйнар  
Кўзларида қувонч сийрати.*

*Шамол елар  
Гўдак улғаяр  
Энди ундан келмас гул иси,  
Қадоқ қилар қалбини гамлар,  
Кафтларини кетмон дастаси.*

*Бир кун келар-  
ийгит кўксини  
иситади райҳондек сочлар  
Муҳаббатнинг гулдастасини  
Осмон ойнанинг устидан сочар.*

*Кейин яна тонгнинг кўксида  
Беланчакда гўдак очар кўз,  
Гуллар яшнар шўх нафасида,  
Сочларида ўйнайди юлдуз.*

Ҳар банди тўрт мисрадан иборат бу шеърнинг иккинчи, учинчи бандлари беш мисрадек таассурот қолдиради. Аслида ундай эмас. Агар ўша бўлинган мисраларга эътибор қаратсак, ундаги ҳар бир тuroқ алоҳида гап мазмунини бераёпти. “Шамол елар” – гап, “Гўдак улғаяр” – алоҳида иккинчи гап. Шу боис бу гапларга урғу бериб, уларни икки сатрга жойлаштиради. Агар шеърни бутун бир матн деб оладиган бўлсак, одатда, кўпинча муайян бир гап эга ва кесим икки мисрага жойланади. “Беланчакда ётган гўдакдан” Тунлар бодом иси анқийди” каби. Шоир композицион ўзига хосликда ана шулардан келиб чиқади. Учинчи бандга эътибор қилсак, ярим мисра (аслида биринчи мисранинг дастлабки тuroғи) алоҳида гап: “Бир кун келар - ” бундаги тире алоҳида гапни ажратиш билан бирга кейинги ярим мисра (аслида биринчи мисранинг иккинчи тuroғи) биринчи ярим мисрага эмас, балки ўзида кейин келадиган бутун мисрага мантиқан боғлиқлигини тасдиқлаб келмоқда. Мурабба, яъни тўрт мисралик банд билан бошланган шеър тўртинчи бандга келиб ўзининг анъанавий шаклига қайтади. Хуршид Даврон лирикасида аралаш бандли шеърлар кўп учрайди. Бу шеърларда уч мисралик бандлар тўрт мисралик бандларга, тўрт мисралик бандлар уч мисралик бандларга



айланиб кетаверадики, бу шоир шеърятининг бошқалар ижодида учрамайдиган ўзига хосликларидан бири. Баъзан тўртлик мисрали шеър банди беш мисралик бандга, ундан сўнг икки мисралик банд байтига айланади. “Шундай яшил менинг ватаним”, “Мендан фақат сўзлар қолади”, “Меъзон кечди” деб бошланувчи шеърлар “Феврал”, “Ёмғир қадах чўзар”, “Қишлоққа қайтиш ёки Умрзоқ лайлакнинг ўлими” каби шеърлари бунинг характерли мисолидир.

Хуршид Даврон ижодида бандланиши уч мисралик бўлган, баъзан мусаллас, баъзан мусаммаат аталадиган (Европада терцет) шеър шакли ўзбек мумтоз шеърятига ҳам, бугунги лирикада ҳам унча кўп учрамайди. Адабиётшунос Иззат Султон “Адабиёт назарияси”да учлик банд оригинал ижоддан кўра, рус ва Европа поэзиясидан ўзбекчага қилинган таржималарда учрайди, - деб қайд этади”<sup>1</sup>.

Адабиётшунос У.Тўйчиев эса, “Учлик инқилобгача бўлган ёзма адабиётда дастлаб фақат ва фақат Увайсий ижодида учрайди”<sup>2</sup> - деб ёзади. “Филология фанлари номзоди Иқболлой Адизова Чўлпон, Р.Парфи ижодида учрайдиган учликларда Европа ва япон ҳаққу жанри таъсири борлигини инкор этмаган ҳолда учликнинг асосий замини мумтоз мусаллас ва фард жанрларида эканлигини қайд этади”<sup>3</sup>. Хулоса қилиб айтганда Хуршид Давроннинг турфа ранг-баранглиги ва ўзига хослиги билан лирик композицияси бошқа шоирларнинг композицион тажрибаларидан ажралиб туради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Султон И. Адабиёт назарияси. Т. Ўқитувчи.1980. 358 бет
2. Адабий турлар ва жанрлар. 3 жилдлик. 2 жилд. Лирика. Т.Фан.1982. 218 бет
3. Шарқ юлдузи. И.Адизова. Ноёб жанр. 2020 йил. 4-сон. 109 бет

<sup>1</sup> Султон И. Адабиёт назарияси. Т. Ўқитувчи.1980. 358 бет

<sup>2</sup> Адабий турлар ва жанрлар. 3 жилдлик. 2 жилд. Лирика. Т.Фан.1982. 218 бет

<sup>3</sup> Шарқ юлдузи. И.Адизова. Ноёб жанр. 2020 йил. 4-сон. 109 бет

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 31-КЎП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**(7-қисм)**

**Масъул мухаррир:** Файзиёв Шохруд Фармонович  
**Мусахҳиҳ:** Файзиёв Фаррух Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиёв

Эълон қилиш муддати: 31.08.2021

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000